

# АДОЛАТ ҲАР ИШДА ҲАМРОҲИМИЗ ВА ДАСТУРИМИЗ БЎЛСИН



Самарқанд ва Навоий вилоятлари халқ депутатлари кенгашларининг яқинда бўлиб ўтган навбатдан ташқари сессияларида муҳокама этилган масалалар кенг жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотди. Шу муносабат билан Президент Ислом Каримовга Ўзбекистон телерадиокомпанияси раиси Абдусидқ Кучимов бир неча савол билан мурожаат қилди.

Йўлбошчимиз саволларга жавоб қайтарар экан, мазкур йиғилишларда кўтарилган муҳим маънавий-ахлоқий, сиёсий-ижтимоий муаммолар ҳақида батафсил фикр билдирди.

Савол: Мухтарам Ислам Абдуғаниевич, кунга кеча Самарқанд ва Навоий вилоятлари халқ депутатлари кенгашларининг навбатдан ташқари сессиялари бўлиб ўтди. Жамоатчилигимиз бу анжуманларда муҳокама этилган масалалардан оммавий ахборот воситалари орқали етарлича маълумот олди, одамлар ўз муносабатларини ҳам билдирмоқдалар. Шу билан бирга, ҳар икки сессияда Сизнинг чиқишин-

гизни кузатар эканмиз, айниқса «юригимни бўша-тириш истардим-у, майли...» деган сўзларингизни эшитганда, журналист сифатида ватандошларимизга яна айтмоқчи бўлган катор фикрларингиз борлигини сезган бўлдим...

ЖАВОБ: Ҳақиқатан, халқимиз гувоҳ бўлгандек, ҳар икки сессия ҳам кескин, танқидий рухта ўтди. Мазкур вилоятларнинг раҳбар доираларида вужудга келган носоглом муҳит ҳақида аччиқ, аммо ҳаққоний

сўзлар айтилди. Бундай номақбул одат тусига кириб қолаётган ачинарли ҳолатлар бугунги ҳаётимизда ижтимоий муҳитнинг бузилишига ва аҳолининг адолатга бўлган ишончининг йўқолишига сабаб бўлмоқда. Бу фикрлар аслида амал курсисидан кетаётган кимсалар учун эмас, шу вилоятларда яшаётган меҳнаткаш, адолатга ташна инсонлар, ҳаётга эндигина кириб келаётган ёшлар учун, миллатимиз, халқимизнинг эртанги кунлари ҳақида қайғуриб айтилди, десак, хато бўлмайди.

Шу йиғилишларда тилга олинган маънавий-ахлоқий, сиёсий-ижтимоий муаммоларнинг баъзи бир жиҳатларини қисқача изоҳлаб ўтиш зарур, деб ҳисоблайман. Чунки улар бизнинг бугунги ҳаётимиз, олга қараб қилаётган ҳаракатларимиз билан ҳамбарчас бўлиб,

Умрим давомида орт-

тирган озми-кўпми ҳаётий тажрибаларим асосида шундай хулосага келдимки, дунёда инсон иродасини синаядиган воситалар кўп. Аммо уларнинг бирортаси ҳам амал, лавозим, мансаб каби одамзотнинг кимлигини, унинг қиёфаси ва мотиқлигини яққол очиб бера олмайдми.

Шу хусусда кўп ўйлайман. Мансаб деганлари қандай сирли, бетизгин куч эканини, нега у манаман деган, ақлли-хушли, оқ-қораини таниган, туппа-тузук инсонларнинг эл-юрт, давлат ишончи топириган ваколатларни сунистеъмол қилишига, инсофни йўқотишига олиб келади, маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, порахўрлик, калонди-моглик каби иллатлар домига тортади? Бунинг савоблари нимада? Бу ярамак иллат қаердан, қандай пайдо бўлади? Бу ҳуқуқ, янчи аҳволини қандай қилиб бартараф этиш, жамият

танасига канадай ёпишган бу балодан қай тариқа халос бўлиш мумкин?

Бу касаллик илдизи хонлар, беклар, қозилар, мингбошию юзбошилар хуқм сурган олиб замонларга бориб тақалади. Балки халқ эртақларидаги порахўр амалдорлар, Абдулла Қодирий тасвирлаган ришватга ботган хон мансабдорлари ёки бўлмаса Абдулла Қаҳҳорнинг машҳур «Ғри» ҳикоясида қаламга олинган воқеалар фақатгина бадий тўқима маҳсули эмасдир?..

Айни чоғда тарихимизнинг турли саҳифаларини кўздан кечирганда, халқимиз маънавияти билан боғлиқ шундай маълумотларга дуч келасизки, улар ҳалоллик, ҳаромдан ҳазар, таъмагириликдан нафратланиш, камтарлик, адолатпарварлик сингари туйғулар миллатимизга хос энг олижаноб фазилатлар эканидан далолат беради. «Бировнинг ҳақи», «қиёмат қарз», «пешона тери», «молимардум-хўр» деган сўзлар бунинг яққол ифодасидир.

Биргина мисол. Маълумки, Бобур Мирзонинг отаси Умаршайх Мирзо темирўй ҳукмдорлардан бири эди. Бобур ўз хотирларида отасининг нақадар адолатли ва ҳалол одам бўлганини кўрсатувчи шундай маълумотни келтириб ўтади. Қай бир йили Хитойдан Фарғонага келаётган минг кишилик қаровон ўш тоғларида қор кучини остида қолиб ҳалок бўлди. Умаршайх Мирзо дарҳол одамларини юбориб, қаровонини юкларини назорат остига олдиради. Эгалари ҳалок бўлган шу молларни икки йилдан зиёд эҳтиётлаб сақлайди. Хурро-со ва Самарқандга махсус одам юбориб, қаровон эгаларининг меросхўрларини дараклатиб топтиради ва уларни ўз мамлакатига қақиртириб, молларни тўлалигича қўлларига топширади.

(Давоми 2-бетда)

## ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ КЕНГАШИ РАЁСАТИНИНГ ЙИҒИЛИШИ

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг халқ депутатлари Самарқанд ва Навоий вилоят кенгашларининг навбатдан ташқари сессияларида маънавий қашшоқлик, нопок йўллар билан мол-дунё ортираётган, халқ қадриятларимизни оёқости қилаётган, исрофгарчиликка йўл қўяётган кимсалар хусусидаги фикрлари халқимиз онги шуғуридан чуқур жой олди. Сессиялар ҳужжатлари касба уюшмалари мутасаддилари томонидан жойларда кенг тарғиб қилинмоқда. Жонли сўхбатларда, йиғилишларда кенг жамоатчилик юриғидаги гаплар очик-ойдин ўртага ташланмоқда.

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси кенгашининг раёсат йиғилишида ҳам ана шу ҳақда алоҳида гап борди. Давлатимиз раҳбари ўртага қўйган талаблар асосида фаолиятни тақомиллаштириш, оммага яқин бўлиш, камчиликларни бартараф этишга қаратилган тақлиф-мулоҳазалар билдирилди.

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси кенгашининг раиси Д.Жаҳонгирова Федерация кенгашининг VI мажлиси тўғрисида маъруза қилди. Кенг ва ҳар томонлама муҳокамадан сўнг тегишли қарор қабул қилинди. Унга кўра кенгашининг VI мажлиси 1999 йилнинг январь ойида қақирлади. Кун тартибига «Наволат сектори ходимларининг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш ва меҳнатни муҳофаза қилишда касба уюшмалари ташкилотлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги масала киритилди. Шунингдек, раёсат йиғилишида кадрлар масаласи кўрилди.

Алоқа ходимлари касба уюшмаси Марказий кўмитаси ва Андижон вилояти касба уюшмалари кенгаши фаолиятда ижтимоий шерикчилик тамойилининг амалга оширилиши тўғрисидаги масала юзасидан Алоқа ходимлари касба уюшмаси Марказий кўмитасининг раиси Т.Назаржонов, Андижон вилояти

касба уюшмалари кенгашининг раиси А.Содиқовнинг маърузалари тингланди. Йиғилиш иштирокчилари бу борада ҳали қатор камчиликлар, ечимини кутаётган муаммолар борлигини ҳаётий мисоллар орқали эътироф этдилар.

Қорақалпоғистон Республикаси касба уюшмалари кенгашининг раиси Б.Юсупова, Енгил, маҳаллий, мебель саноати ва коммунал маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ходимлари касба уюшмаси Марказий кўмитаси раиси М.Одилова, Ёқилги-энергетика, геология, кимё тармоқлари саноати ходимлари касба уюшмаси Марказий кўмитасининг раиси А.Ҳуломов «1998 йил - Оила йили» Давлат дастурини бажариш борасида қандай ишлар амалга оширилганлиги ҳақида ахборот бердилар. Муҳокама чоғида бу борадаги ишлар талаб даражасида бўлмаётганлиги таъкидланди. Кенгайтирилган раёсатлар йиғилишида ўта долзарб масалани атрафлича муҳокама этиш, Дастурга киритилган бандларнинг бажарилишини қатъий назоратга олиш вазифаси топширилди.

Болаларни ёзги соғломлаштириш ва дам олдириш бўйича жорий йил якуллари тўғрисида маъруза қилган Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси кенгаши раисининг ўринбосари О.Муҳиддинова масалага танқидий ёндашиб камчиликлар, ечимини кутаётган муаммоларни аниқ-равшан баён этди, шахсий тақлифларини ўртага ташлади.

Раёсат йиғилишида, шунингдек, Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси кенгаши раёсатининг 1998 йил 24 апрелдаги «Республика касба уюшмалари органларида ижтимоий сўғурта аппарати тизимидаги ўзгаришлар тўғрисида»ги қарорининг бажарилиши, «Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси кенгашининг ўқув маркази тўғрисида Низом хусусида»ги, «Ишонч» ва «Ишонч-Доверие» газеталарида 1999 йил учун обунанинг бориши тўғрисидаги ва бошқа қатор масалалар кўриб чиқилди.

Раёсатда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

### Ўзбекистон - Ватаним маним Ёш ўлкашўнослар Буюк Ипак йўлида

«Карвон - 98» кўрик-танловининг голублари - ёш тошкентликлар Андижон вилоятининг шаҳарлари ва туманларида бўлдилар. Уқувчиларнинг Фарғона водийсидан ўтган Буюк Ипак йўли бўйлаб илмий-билиш экспедицияси мактаб таътили пайтида уюштирилди.

Экспедиция Наманган вилоятининг тарихий жойларига бўлган эди. Андижонда эса болалар вилоят маркази, Шаҳрихон тумани, маҳаллий халқ устозларининг ишлари билан танишдилар. Шу кун улар ақинда юртдошимиз Аҳмад ал-Фарғонанинг 1200 йиллик юбилейи тантанали нишонланган Фарғона вилоятига, Кувага отландилар. Мактаб ўқувчилари шу кунларда яна ҳам яшариб кетган қадимий Шаҳристонда бўлиб, ўзбек халқининг буюк фарзанди ёдгорлигига гуллар қўйдилар.

К.НИЗОМОВ,  
У.А мухбири.

### Алпомишни кўмсаб юрганлар

Термизда ўтаётган Алпомиш уйинлари фестивалининг иштирокчилари ва томошабинлари катта кўтаринкилик оғушида. Томошабинлар орасида самбо бўйича бир неча бор жаҳон чемпиони Ботир Ҳасановни учратиб қолдик. У уйинларни диққат билан кузатиб ўтирган экан.

«Узим кураш тушаётгандай ҳаяжондан ўтирибман», деди у ўза мухбирлари билан суҳбатда. Алпомишни айримлар тарихий шахс, айримлар тўқима образ дейишади. Лекин у аввал ҳам, ҳозир ҳам халқ манфаатлари йўлида хизмат қилиб келган. Шуниси муҳимки, Алпомиш уйинлари баҳонасида элимизга Алпомишнинг қайтиб келиши катта ўзгаришлар амалга ошаётганидан дарак бермоқда. Шу рост бўлсин, Алпомишлар кўпаяверсин.

Сурхондарё вилоят «Агрошаршери» ҳиссадорлик бирлашмаси раиси Абдукарим Ҳайдаркулов, эса бундай деди:

«Алпомиш уйинларининг айнан Сурхондарёда ўтказилаётгани айниқса қувонарли. Бу юрт қадим-қадимдан ўзининг ватанпарвар, дово-рак пахлавонлари-ю, садокатли, гузал аёллари билан машҳур. Фестивалнинг яна бир муҳим жиҳати шуки, халқимизнинг деярли унут бўлиб кетаётган қадимий уйинлари, спорт мусобақалари қайта тикланмоқда. Бу авлодин жисмонан чиқтириладиган миллий уйинлардир.

Умиджон Аҳмедов артрестининг бўйича шу йил Қоҳирада ўтказилган жаҳон биринчилиги голуби:

«Ушбу спорт анжуманига катта тайёргарлик қирилганининг бу ўзбекистон меҳмондўстлигининг гувоҳи бўлдим. Алпомиш бобомиз давридаги уйинларнинг мустақил юртимизда қайта нишонланаётгани қалбларда фахр уйғотади.

Мусулмон НАМОЗОВ,  
Чорн ТУХТАЕВ,  
У.А мухбирлари.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ БАЁНОТИ

Тожикистон парламентининг сессиясида Президент И.Раҳмоновнинг Ўзбекистон Республикаси гўеки Тожикистоннинг ички ишларига аралашди ва Ленинобод вилоятида М.Худойбердиев раҳбарлигидаги исёнини қўллаб-қувватлади, деб очикдан-очик ўйламасдан ва асосиз айб қўйиб сўзлаган нутқи Ўзбекистон ҳукумати ва жамоатчилигини чуқур таажжубга солмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги шу йил 4 ноябрда Тожикистоннинг Ленинобод вилоятида жорий йил ноябрь ойи бошларида юз берган воқеаларга муносабатини расмий равишда билдирган эди.

Бундан ташқари Тожикистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги қўшни Тожикистондаги ҳар қандай куоролчи қишчиларни тор доирадаги фаразли, гуруҳбошлик манфаатларини кўзлаган, тинчлик жараёнига қарши чиқаётган кучларнинг ҳаракати, деб ҳисоблаш лозимлигини яна бир бор таъкидлаш ваколатини олган. Тинчлик жараёнининг ўрнини босадиган бошқа йўл йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Исёнчилар Тожикистон ҳудудига гўеки Ўзбекистон ҳудудидан ўтгани хусусидаги бўҳтонлар мутлақо асоссиздир. Ўзбекистон Тожикистоннинг энг яқин қўшини сифатида бу мамлакатда тинчлик ва барқарорлик ҳуқм суришидан ҳаммадан кўпроқ манфаатдордир.

Ўзбекистоннинг бу нуқтаи назари қатъий бўлиб, Тожикистон Президенти И.Раҳмоновнинг эҳтиросларга берилиб, ўйламай айтган гапларига қарамай, Ўзбекистон ҳукумати ўз нуқтаи назаридан чекинмайди.

Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги Тожикистоннинг тегишли хизматларига Ўзбекистон ҳудудида ва чегарада қидирув тадбирларини ўтказиш ва ўз раҳбарияти баёнотининг асоссиз эканига яна бир бор ишонч ҳосил қилиши учун барча имкониятларни яратишга тайёрдир.

Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги Тожикистон раҳбариятининг баёнотини жиддий мушкулликларга ва энг аввало Тожикистон ҳудудида миллатлараро қарама-қаршиликка олиб борадиган, ўйламай қилинган саъй-ҳаракат, деб баҳолайди.

Халқаро жамоатчилик, аввало БМТнинг Тожикистондаги кузатувчилари миссияси давлатлараро муносабатлар меъёрига зид келаётган бундай баёнотни муносиб баҳолашига аминимиз.

Ташқи ишлар вазирлиги Тожикистон раҳбариятининг баёнотини жиддий мушкулликларга ва энг аввало Тожикистон ҳудудида миллатлараро қарама-қаршиликка олиб борадиган, ўйламай қилинган саъй-ҳаракат, деб баҳолайди.

Халқаро жамоатчилик, аввало БМТнинг Тожикистондаги кузатувчилари миссияси давлатлараро муносабатлар меъёрига зид келаётган бундай баёнотни муносиб баҳолашига аминимиз.

Тошкент, 1998 йил 13 ноябр.

Кунлар бир мунча совиб, киш келаётганидан дарак бераётди. Пахта йиғим-терими ҳам охирига етди. Хали йил охиригача пахтадан бўшаган майдонларни кузги шудгордан ўтказишимиз керак. Кузги-киши бошқа тадбирларни амалга ошириш ҳам олдидан. Шундай экан, республикамиз пахтакорларга мавсуми қандай ниятлари етказишаётди? деган савол турғида.

Агар 13 ноябрда бўлган маълумотларга назар ташлайдиган бўлсак, бу борада қилинаётган юмушлар қоник-қарли эмаслиги аён бўлади. Яъни кўплаб жойларда ўтган йилги ҳолатлар такрорланаётди. Бундай дейишимизга асос бор. Масалан, 1997 йили ҳосилнинг асосий қисми қўлда терилгани ва бунда машиналар ҳиссаси жуда оз бўлгани хаммага аён. Бултур «Зангори кема»лар ёрдамида 1 миллион 223 минг тонна оқ олтин йиғиштирилиши керак эди. Амалда шунинг 126 минг тоннадан кўпроги техника ёрдамида саранжомланди. Жорий йилда эса пахта ни машиналарда уюлди, ҳоло. Мавсумда ҳар бир машинага ўртача бир тоннадан сал ошиқроқ оқ олтин турти келди. Ахир бир теримчининг ўзи бунинг улдасидан чиқаришми?!

Фарғона ва Хоразм вилоятларининг ҳар бирида мавсумда 202 тадан машина тайёр бўлгани ҳолда ўртада дамдада бир килограмм ҳам оқ олтин терилмаганини қандай тушуниш мумкин? Унда техникани мавсумга тайёрлашдан нима наф? Бу тадбирларга кетган ҳаражатларни айтмайсизми!

Утган йили шу мuddатда республикамизнинг туртта вилояти давлатга пахта сотиш режасини бажариб қуйган эди. Жорий йил мавсуми ишларини тахлил этиб, ёлғон ваъдалар қилинган бўлганда, деган хулосага келиш мум-

кин. Демак қатор вилоятлар ўтган йилги хато ва камчиликларни такрорлаб, яна атанг деб туришибди. Бунга мисол тариқасида Қорақалпоғистон республикасини олайлик. Утган йили қорақалпоғистонликлар 310 минг тонна оқ олтиннинг 265 минг 876 тоннасини йиғиштириб олиб, бу борадаги режани 85,77 фоизга етказган эдилар. Жорий йилнинг шу кунига келиб эса бор-йўги 154 минг 870 тонна пахта топширилди. Ва ре-

жа 49,96 фоизда қолиб кетган эди. Бу бултурга нисбатан 110 минг тонна кам демакди. Утган йили республикада биринчи бўлиб пахта сотиш топширигини уудаллаган Хоразм вилоятида эса ҳозиргача 79,82 фоиз миқдорда оқ олтин тайёрланди ҳоло. Сурункасига режани бароб қилиб келаётган Жиззах вилояти эса эндигина ярим долдан ошди. Бу борадаги республика кўрсаткичи ҳам қоник-қароз. Мамлакатимизда шу кунгача 3 миллион 201 минг 32 тонна оқ олтин терилган, йиллик режанинг 80,03 фоизи таъминланди. Кунига 0,18 фоиз миқдорда пахта топшириладиганини ҳисобга олсак, бу йил ҳам манзилга етиб бормаслигимиз аниқ. Бу салбий оқибатларнинг асосий сабабларидан яна бири жойларда меҳнатқашларга етарлича ша-

рт-шароит яратиб берилмаганлигидир. Уларнинг мулкка бўлган муносабати амалда ўзгармаган.

Энди қўл теримини тахлил қиладиган бўлсак, бунда ҳам кўплаб камчилик ва хатоларга йўл қўйилмоқда. Масалан, 12 ноябрда республикамиз бўйича 1,5 миллионга яқин теримчи ва ҳашарчилар йиғим-теримда қатнашган. Уларнинг ўртача терган пахта-таси 10,35 килограммининг ташиқил қилган. Хоразм вилоятида 26 миңдан зиёд теримчи далага чиққан. Уларнинг ўртача кўрсаткичи атиги 3,5 килограммга зўрга етган. Пахтакорлар Бухорода кунига ўртача 6,5, Қашқадарёда 7,3, Андижонда 8,5 килограммининг пахта теришмоқда ва ҳоказо. Савол турғидади, Жойлардаги мутасаддилар теридиган пахтадан таяини бўлмаган даладаларга керагидан ортик ишни қишни жалб қилиб нимага эришишмоқчи? Бунда дехқон өз буйи пешона тери билан етиштирган пахтанинг таннарих кўтарилиб кетиши турган гапму? Унда кейин ҳозирги иккинчи, учинчи ёки туртинчи навларга топшириладиган пахтанинг кимга кераги бор?

Касални яширсанг, иситмаси ошкор қилади, деган нақл бор. Кўриниб турибдики, баъзи раҳбар мутахассислар ҳал қилувчи даладаларда гуза парварчилигини ўз ҳолига ташлаб қўйганлар. Пировард натижада қутилган ҳосил яратилмади. Бу эстига техника йиғим-терим мавсумига гушта шайланмади. Шундай бўлса-да, мутасаддилар «хар томонлама тайёрлиги» дея ахборотлар бериб аввало уларини алдидилар. Ёлғон ваъдалар қандай оқибатларга олиб келганлигини бугунги кунда кўриб турибмиз.

Гулом ЮСУПОВ,  
«Ишонч»нинг махсус мухбири.



### Асосий Қонунимиз қабул қилинганлигининг 6-йиллигига

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришиши билан ўзининг илк фаолиятини Асосий Қонун — Конституция лойиҳасини тайёрлашдан бошлади. Ва ниҳоят, 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституциямиз жамиятимизнинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маънавий жиҳатлардан ташкил этилиш шакллари аниқлаб берди, бозор муносабатларини, мулкчиликнинг турли-туман шакллари билан муҳофаза этилиш ҳолларини ўзида мустаҳкамлади.

Маълумки, бозор муносабатларига ўтиш демократик ҳуқуқий давлат куриш орқали бўлиб, мураккаб ва узок давом этидиган жараёндир. Бу жараёнда асосан иккита му-

тамойиллари, давлат суверенитети, халқ ҳокимияти, қонун устуворлиги ҳамда Ўзбекистон давлатининг ташқи сиёсатининг асосий принциплари баён этилган.

Иккинчи бўлимда «Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари» кўрсатилган. Эътиборли томони шундаки, Конституцияда Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари умумий декларациясида, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро битимда, фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро битимда назарда тутилган инсоннинг барча ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда бурчлари алоҳида-алоҳида боб сифатида аниқ, батафсил ифодаланган.

Учинчи бўлим - жамият ва шахснинг ўзаро муноса-

ларига ва қоидаларига зид келиши мумкин эмаслигини белгилаб берди; Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларда тўла ҳуқуқли субъект бўлиб, давлатнинг суверен тенглигини, чегараларнинг дахлсизлигини, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, куч ишлатмаслик ёки куч билан таъдир қилмаслик ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган бошқа қоидалари ва нормаларига асосланганлигини биринчи марта ўзида эътироф этиб, мустаҳкамлади ва бошқалар;

биринчи марта «Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари» масаласининг жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари қаторида ифода этиб бера олди;

бозор муносабатларига ўтиш, иқтисодий негизнинг хилма-хил шаклларидаги мулк, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлиги, барча мулк шакллари билан ҳуқуқий жиҳатдан баббаравар муҳофаза этилишини ўзида қафолатлаб, хусусий мулкни ҳамда бошқа мулк шакллари билан давлат муҳофазасида эканлигини кўрсатиб берди;

Ўзбекистонда барча бойликлар - ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захира-ларни умумийлик бўлиб деб эълон қилди;

Демократик ҳуқуқий давлат кураётган Ўзбекистоннинг барча хусусиятлари инобатга олиниб, давлат ҳокимиятининг ташкил этилиш тизими, жаҳон мамлакатлари ушбу тажрибадан фойдаланиш даражасидаги ҳолатини ифодалади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, янги Конституциямиз жаҳонда янги демократик давлат пайдо бўлганлиги ва халқимизнинг истиқлолу, озошлик, ижтимоий адолатли, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат куриш йўллари, унинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий соҳаларидаги демократик йўналишлари, умуминсоний ва миллий кадриятлар, инсон эркинлиги ва ҳуқуқларини юридик жиҳатдан ҳимояла-шини мустаҳкамлайди.

Хуллас, республика-мизнинг ушбу Асосий Қонуни мустақил юртимизнинг янада мустаҳкам бўлиб ривожланишини, халқ фаровонлигини ва қабул қилинаётган қонунларимизнинг ҳаётийлигини таъминлайдиган ҳуқуқий асос бўлиб қолаверади.

**Зайноддин ИСЛОМОВ,** юридик фанлари доктори, профессор.  
**Жуманазар ХОЛМУМИНОВ,** юридик фанлари доктори.

**Самарқанд вилоят деҳқонларининг самарали меҳнати, изланишлари туфайли йиллик пахта топшириш режаси бажарилди. Теримчилар, тажрибакорлар дақиқалардан унумли фойдаландилар. Меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантириш намунали йўлга қўйилган хўжаликларда меҳнат унумдорлиги, хомашё сифати кўнгилдагидек бўлди.**

**Қуйида катта хирмонга муносиб ҳисса қўшган асл деҳқонлар фаолияти ҳақида ҳикоя қилинади.**



Суратда: Пастдарғом туманидаги «Машъал» жамоа хўжалигининг илғор теримчиси Зебо Фахриддинова.

### ДЕҲҚОН КЎНГЛИ ЧОҒ БЎЛСА...

Меҳнатқашларнинг самарали меҳнат қилиши учун уларга шароит яратиш мумкин ўрин тутди. Туманимизда бу борадаги ишлар ижобий ҳал қилинган, десам янглимайман. Чунки, хўжаликларда касабга уюшма кўмитаси ва бошқарув ўртасида тузилган жамоа шартномасида дала меҳнатқашларининг иш шароитини яхшилаш, уларни ижтимоий ҳимоялаш, моддий манфаатдорлигини ошириш биринчи галдаги вазифа сифатида кайд этилган. Энг муҳими бу мақсадга эришилмоқда. «Ғубдин», «Дустлик», «Гулистон», «Ўзбекистон» жамоа хўжаликлариди амалга оширилаётган тадбирларни бунга мисол тарикасида келтириш мумкин.

Туман касабга уюшмаси кўмитаси, хўжаликлардаги бошланғич касабга уюшма ташкилотларида йил бошидаёқ баҳорги, ёзги, кўзги мавсумларда иш шароитини яхшилаш, маданий-маиший хизмат кўрсатишга доир тадбирлар ишлаб чиқилди. Жумладан, босқичма-босқич мусобақалар ташкил этилди. Касабга уюшмаларнинг бундай ташаббусини туман ҳокимлиги ва хўжаликлар раҳбарияти амалда тўла қўллаб-қувватлашди. Натихада одамлар ишга яраша рағбат топиди.

Хусусан, пахта йиғим-терими даврида барча хўжаликларда теримчилар, ҳашарчилар учун бепул иссиқ оғақ ташкил қилинди. Маданий-маиший хизмат сифати ва мунтазамлиги назорат қилиб борилди. Илғорларга мукофотлар белгиланди. Масалан, «Ҳақиқат» жамоа хўжалигида шартнома режасини удалаган оилавий пудратчиларга пул мукофотлари бериб берилди. Улғабек номи жамоа хўжалигида эса ҳар беш кунда энг кўп пахта терганлар қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Шуни ҳам айтиш керакики, касабга уюшма кўмитаси томонидан пахта тайёрлаш режасини ошириб бажарган, юқори ҳосилдорликка эришган хўжалик, бригада, звеноларга санаторийларга бепул йўллана берилишини эълон қилганмиш. Мавсум якунида мўлжалланган бошқа совғаларимиз ҳам бор.

**М.ОБЛОҚУЛОВА,**  
Агросоноат ходимлари касабга уюшмаси Жомбой туман кўмитаси раиси.

### ХАЛҚ ХОҲИШ-ИРОДАСИ МУЖАССАМ

ҳим вазифани бажариш кўзда тутилади. Яъни:

**Биринчиси,** иқтисодий негизда ижтимоий йўналиштирилган янги фаолиятнинг истиклол тараққиёти андозасини яратиш.

**Иккинчиси,** бозорга ўтишни таъминлайдиган малакали мутахассис кадрларни тарбиялашдан иборат эди.

Мамлакатимизда Президент Ислам Каримов раҳбарлигида мазкур вазифалар ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан ижобий ҳал этилди.

Масалан, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга катта эътибор, қишлоқ хўжалик тизимидаги ислохотларни чуқурлаштириш ва уни амалга ошириш мақсадида янги аграр қонунлар, — «Ер кодекси», «Деҳқон хўжалиги», «Фермер хўжалиги» ва «Қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкати хўжалиги)», тўғрисидаги бир қатор қонунларнинг қабул қилиниши шулар жумласидандир.

Мустақил давлатимиз Асосий Қонунининг қабул қилинганидан бери ўтган вақт мобайнида у республикамиз суверенитети ва давлат мустақиллигини, Ўзбекистоннинг ижтимоий ва давлат тузумини, инсоний кадриятлар ҳамда халқаро ҳуқуқ устуворлигини мустаҳкамлади, фуқаролик жамиятини тан олиб тасдиқлади ва ўзини-ўзи бошқариш шакллари аниқлаб берди.

Асосий Қонуннинг энг қимматли томони шундаки, у инсон, жамият ва давлат ўртасидаги муносабатларни ўзида мужасамлаштирди.

Асосий Қонунимиз, муқаддима, олти бўлим, XXVI боб, 128-моддидан иборат.

Биринчи бўлим - «Асосий принциплар» тўрт бобдан иборат. Уларда давлатчиликнинг асосий

батларига, жамиятнинг иқтисодий негизини мустаҳкамлашда ҳамда жамоат ташкилотларига, оила, оммавий ахборот воситаларига бағишланиб, уларнинг фаолиятини ўзида тўла акс эттиради.

Тўртинчи бўлим - республикамизнинг маъмурий-ҳудудий ҳамда давлат курилиши масалаларини тўла ифодалаб берди.

Бешинчи бўлим - Ўзбекистон демократик ҳуқуқий давлат фаолиятининг асоси бўлган давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши, сайлов тизими, прокуратура фаолияти, молия-кредит тизими, мудофода ва ҳавфсизликнинг ташкил этилиши масалаларига бағишланган.

Олтинчи бўлимдан эса Конституцияга ўзгартириш киритиш тартиби ўрин олган.

Шундай қилиб, у халқнинг хоҳиш-иродасини ўзида мужасамлаштирган ва давлатнинг ривожланиш хусусиятларини белгилаб берган мустақил давлатимизнинг Асосий қомуни сифатида намоён бўлди.

Янги Конституция ўзининг бир қатор хусусиятлари томонлари ва принциплари билан бошқа қонунлардан ажралиб туради ҳамда у жаҳон мезонлари даражасида эканлигидан далолат беради.

У мустақил давлатнинг «Асосий Қонуни» эканлиги, ўзида давлатнинг барча раамзий белгиларини ифодалаганлиги, тил, урф-одатлар ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлаганлиги;

биринчи марта Республика давлат ҳокимиятининг тизimini, яъни қонун чиқарувчи (Олий Мажлис), ижро этувчи (Президент ва Вазирлар Маҳкамаси) ва суд ҳокимиятига бўлиниш принципларини;

Қонун устуворлигини таъминлаб, бирорта қонун ёки бошқа норматив ҳуқуқ-

### МАВСУМДА ЭЛИК МИНГ СЎМ

Йиғим-терим ишлари Республика Вазирлар Маҳкамасининг махсус қарори асосида ташкил этилганлиги мўмай пул ишлаш имкониятини яратди. Мавсумнинг дастлабки кунлариданоқ оила аъзоларим билан далага отландик. Бахтимизга ҳосил ҳар қачонгидан мўл

эди. Унумли ишлаб кўнгилли хордиқ чиқариш учун барча шароит мўжай ётилди. Иш ҳақи ҳар беш кунда бериб берилмоқда. Буларнинг ҳаммаси ғайратимизга ғайрат қўшди. Қизғин дамларда Пахта туманидаги Охунбоев номи жамоа хўжалиги дала-ларидан кунига 180 килогача дур йиғиштирдим. Шу кунга-

ча катта хирмонга қўшган ҳиссам қарийб ўн тоннани ташкил этди. Пировард на-тижа ҳам чақимас. Узим шу мавсумда элик минг сўмлик бўдим. Бу йил иқтисодий ни мустаҳкамлади.

**З.НАЗАРОВА,** теримчи.

### ЗАМИН МЕҲРИ

Хўжалигимиз бир неча йиллардан бери пахтачилик бўйича туманда илғорлардан ҳисобланади. Шунга қарамай ишлаб чиқаришда янги усуллари қўлланишга ҳаракат қилинапти. Хусусан, ўтган йили пахтачиликда чигитни плёнка остига экиш усули қўлланилди, яъни натижаларга эришилди. Буни бир-галанимизда эришилган ютуқлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Бултур бригадамизнинг 45 гектар ерига плёнка остига ўртача 30-35 центнердан ҳосил олинган бўлса, бригадамизнинг плёнкали далаларида пахта ҳосилдорлиги 46 центнерга етди. Бундан рухланиб, жорий йилда барча майдонларга плёнка остига чигит экидик. Ҳосилдорлик бултургидан ҳам бўлмади. Шу ўринда яна бир рақамни таққослашни истардим. Ўтган йили бригадамиз пахтачиликдан 4 миллион сўм даромад олган эди. Бу йил эса даромадимиз 5 миллион сўмдан ошиб кетди.

Янги усул қўлланилиши туфайли биринчи навбатда харажатлар камайди. Ҳосил барвақт, яъни август ойининг охирига қолмай пишди. Пахта йиғим-терими тез кунларда тугалланди. Кўзги галла экиш ва келгуси йил учун ерларни пухта тайёрлаш имкониятига ҳам эга бўлдик.

Чигитни плёнка остига экиш усули кенг қўлланилаётгани боис хўжалик даромади йил сайин ошапти. Бу эса ўз навбатида жамоа аъзоларини ижтимоий ҳимоялаш имконини бермоқда. Техника воситалари янгилаяпти. Сирасини айтганда, янги усулнинг афзаллигини билдик ва уни кейинги йилда ҳам кенг қўллашга аҳд қилганмиш.

**Қ.МИНГБОВ,** Пастдарғом туманидаги Навоий номи жамоа хўжалиги бригад бошлиғи.

### САНАЦИЯ ИМКОНИЯТИ

Бошқа кўпгина соҳалардаги, айниқса қайта ишлаш тармоғидаги ахвол деҳқончилик натижаларига бевосита боғлиқ. Афсуски, жойларда эътиборсизлик, ишни тўғри ташкил қилмаслик оқибатида айрим хўжаликларнинг иқтисодий аҳоли танглашиб қолди. Шу сабабларга кўра жамоа хўжалигимиз ҳам 1997 йил якунида санацияга тушди.

Биз фаолиятини қайта ишлаш ва тайёрлов идоралари билан тузилган контрактация шартномалари бўйича жиддий иш юритишдан бошладик. Шартнома мажбуриятларини ўз вақтида ва тўлиқ бажаришни қатъий мақсад билдик, шерикларга ҳам шундай тлаб қўйдик. Шу асосда бўнақ тарикасида хўжалик ҳисоб рақамига тушган пул энг зарур ишлаб чиқариш тадбирларига сарфланди. Меҳнатга ҳақ тўлаш тўғри йўлга қўйилди. Қарабсизки, одамларнинг меҳнатга муносабатида туб ижобий ўзгаришлар сезилди. Галачиликда 240 та, пахта-

чиликда 480 та оилавий ва ижара пудрати звенolari ташкил этилиб, ер ҳақиқий деҳқонларга топширилди. Хўжаликнинг ноишлаб чиқариш тармоқларидаги ходимлар соми 3 баробар камайди. Пудрат усули орқали ишчи кучларининг ҳам қисқаришига олиб келди. Мана шу ҳисобдан ҳам аянчагина маблағ тежалди. Қўрилган кескин чоралар кич бултургига нисбатан 2.5 марта зийдир. Хуллас, бу йил галачиликнинг ўзидан режадаги 3.5 млн. сўм ўрнига 11 млн. сўм соф фойда олинди. Пахта толасининг ўзидангина 12-15 млн. сўм соф фойда келиши кутилмоқда.

Яна бир муҳим масала. Ҳар қандай шароитда ҳам ишни одамлар бажаради. Ҳозир хўжалигимизда 900 нафардан зийд киши ишлади. Ишлаб чиқаришнинг ривожланишида уларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари қондирилишининг аҳамияти катта бўлди. Бу борадаги тадбирлар касабга уюшма ташкилоти билан келишилган ҳолда амалга оширилди. Биз учун энг муҳими, одамлар ишлаб чиқаришда ўнганлишга эришиши мумкинлигига, ўз меҳнатларига яраша манфаатдор бўлишларига ишонидир.

**Ш.ФАРМОНОВ,** «Чурум» жамоа хўжалиги ташкил бошқарув раиси.



«Самарқанд» жамоа хўжалиги бригадаси бошлиғи Эркин Мамадалиев номи Пайриқ туманида алоҳида ҳурмат билан тилга олинмоқда. Унинг омилиқлиги, ташкилотчилиги туфайли ҳосилдорлик гектарига тўрт центнерга ошиб, биринчилардан бўлиб марра эгалланди.

Бригада сарқори Эркин Мамадалиев отаси, пахта устаси Холдор бобо билан.  
**Т.НОРҚУЛОВ** олган суратлар

Кайта ишлаш корхоналарида ҳам иш қизғин. Деҳқон пешона тери эвазига етиштирилган оқ олтин маҳтал қилмай қабул қилиб олинмоқда. Пайриқдаги «Навбахор» корхонасида янги ҳосилдан олинаётган толалар хоризга ҳам экспорт қилинмоқда.

Суратда: ғолиб пахтакорларга катта қозонда ош дамланди.

### Қишлоқ муаммолари

Касби туманида Навкат қишлоғи борлигини эшитгангидирсиз. Қашқадарё жамоа ширкати хўжалигига қарашли бу қишлоқда 40 нафардан зийд неварра-чеварлар бобоси Равшан Жўраев танимайдиган ёки қишлоқ аҳлидан бу файзли қондонга қадан ранжиди қилмаганлар бўлмас керак. Бундай ҳурмат ва эътирофга сазовор бўлишнинг боиси нимада?

Сўяги деҳқончиликда қотган, ер илмини пухта билган, беш нафар ўғил ва беш қизни камолга етказиб, уларга камтарлик, ҳалолик, покликдан «дарс» берган, ёши етмишдан ошган бўлса ҳам тадбиркорликда ҳам қишлоқларига ўрнак қўрсатаётган бобонинг ҳали-ҳануз ғайрати жўш уриб туриши, ортидан бошқаларни эргаштира олиши ҳаётда боб тажриба ортиригидан бўлса керак. У киши айни

пайта томорқаси атрофига 1000 турдан ортиқ төрак экиб, парвариллаётганининг ўзи ҳам ислохотлар талабларини яхши англаб етганидан

**РАВШАН БОБО НЕГА ХУНОБ?**

далолат беради. Ризоқул Ҳасанов, Санакул Қўлаев, Араб Кенжаев сингари унинг издош, сирдош ва тенгдошлари қишлоқ аҳли қувончига шерик, ташвишга ҳамдардидирлар. Чунки улар қишлоқнинг юз-кўзи сифатида барча тадбирларга бош-қош бўладилар.

«Аллоҳга шўкр, турмушимиз яхши, дейди Равшан бо-

бо Жўраев. - Бирок биз, кексалар бир нарсадан хунобми. У ҳам бўлса қишлоғимиз аҳолиси бир неча йилдики ичимлик сувига зор.

Ийлар ўтса ҳам уни давом эттириш, ишни охирига етказиш ҳеч кимнинг хаёлига келмаёттир. Қишлоқ ҳаммомига борадиганлар эса ўзла-

ри билан сув олиб боришга мажбур бўлмоқдалар. Хўш, бу муаммони ким ҳал этиши керак? Туман ҳокимлигимиз? Биз, оқсоқолларнинг улардан талабимиз ҳам шу - қишлоқлар аҳолисининг ичимлик сувига бўлган эътибини тезроқ қондириш пайда бўлиш!

Равшан бобонинг эътирозини эшитиб ўйланиб қолдик. Қишлоқ кўчалари бўйлаб бо-

ри билан сув олиб боришга мажбур бўлмоқдалар. Хўш, бу муаммони ким ҳал этиши керак? Туман ҳокимлигимиз? Биз, оқсоқолларнинг улардан талабимиз ҳам шу - қишлоқлар аҳолисининг ичимлик сувига бўлган эътибини тезроқ қондириш пайда бўлиш!

Равшан бобонинг эътирозини эшитиб ўйланиб қолдик. Қишлоқ кўчалари бўйлаб бо-

**Шавкат СУЛТОНОВ,** «Ишонч» муҳбири.

рар эканмиз ҳар жой - ҳар жойда қавланган хандақлар диққатимизни тортиди. Чалакам-чати қилинган ишнинг азобини эса қишлоқдагилар тортишмоқда.

Шу ўринда мамлакатимиз Президентининг аҳолини тоза ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш тўғрисидаги Фармони нега бажарилмаётганига эътиборни қаратишни истардик. Равшан бобо ўз ташаббуси билан қишлоқнинг боғзорларга бурқаб, унинг ободончилигига улуш қўшишга интилади-ю, туманининг мутасадди раҳбарлари эса аҳолининг энг муҳим ҳаётий неъмат - ичимлик суви билан таъминлаш масаласини беш-олти йилдан бери ҳал қилмасалар... Энди Равшан бобонинг нега хуноб бўлгани сабабини сиз ҳам яхши билиб олган бўсангиз керак, деб ўйлаймиш.

**Шавкат СУЛТОНОВ,** «Ишонч» муҳбири.

### ДОВРУҒЛИ КОРХОНА ҚАРЗГА БУТДИ

Мустақилликнинг дастлабки йиллари Шўрчи туманида спорт кассовкалари ишлаб чиқарадиган корхона иш бошлаган эди. Лойиҳа бўйича тўрт минг қави ишлайдиган ва бир кунда 800 жуфт кассовка тикадиган Ўзбекистон - Югославия қўшма корхонаси 1994 йилга келиб ўзининг дастлабки махсулотини берди. Икки йилда 1.5 минг жуфтга яқин товар махсулот тайёрланди. Тўғрироқ, ушундан тўрт минг жуфт пошадан ярим тайёр ҳолда Югославиядан келтирилди ва Шўрчида фақат унга тағлик қўйилди холос. Бу орада қўшма

корхонанинг бош директори Турди Умаров устидан жиноий иш қўзғатилиб, якунида у 7.5 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинди. Ҳозир «Авест-экспресс» деб номланган бу қўшма корхона Гулбахор Ҳожиқулова раҳбарлик қилмоқда. Омборда ўша Белград шахридаги «Экспресс - градния» фирмаси келтирган 2000 жуфт ярим тайёр хом ашё турибди. Аммо, қўйиш усулунаси учун хом ашё йўқ, Шартномага мувофиқ барча хом ашё билан қўшма корхонани хоризлик

хамкорлар таъминлашлари керак эди. Чунки вақтида уларга 1300 тонна пахта толаси берилган. Аммо икки йилдан бери улардан дарак йўқ. Ваҳоланки қўшма корхона чет эллик ҳамкорлардан катта миқдорда дебиторлик қарз бўлиб турибди. Ҳозир Гулбахор опа шунча миқдордаги қарзни тўлайдиган жавобгар шахсони излаб тополмапти...

Ана шунинг учун ҳам тилларда дoston бўлган мазкур қўшма корхона бу йил теримчиларга этак, қурувчиларга қўлқоп тикиб кун кечиряпти.

**Тождовдан РАЗЗОҚ,** «Ишонч» муҳбири.

... Мамлакат истиқболни тўрт мучаси соғлом кишиларга таъминлашга қодирлар. Вужуди соппа-соғ ва бақувват одамгина самарали меҳнатга яради. Шунингдек, халқ саломатлигини жисмоний тарбия ва спортсиз тасаввур этиб бўлмаслиги ҳаммага аён. Тарих тақозоси билан етти йилдан ошпятики, мустақил диёримиз спортчиларига жaxon дарвозалари очилди. Эндликда улар дунёнинг турли мамлакатларида ўтказилаётган турнирларда ўз юртлири номидан катнашиш ҳуқуқи-га ва имкониятига эга бўлдилар. Бундай бекиёс бурч ва масъулиятни нафақат етакчи гроссмейстерларимиз, балки улар изидан келаётган ёш шахматчиларимиз ҳам жадидий ҳис қилмоқдалар. Ана шундай ёшлар вақили самарқандлик Иброҳим Ҳамроқовдир.

- Ўзбекистон Республи-

касининг «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги қонунда «Ота-оналар... оиладаги болаларнинг жисмоний ҳар томонлама камол топиши ва саломатлиги тўғрисида қайғуришлари, жисмоний тарбия ва спорт машқлари учун уларга зарур шароитлар ярати беришлари ҳамда соғлом турмуш тарзида ўзлари шахсан намуна курсатилари шарт» деб ёзилган. Тўғриси бу борада нолиқдиган жойимиз, йўқ! Минг шукрки, мамлакатимизда ўзларининг олий бурчларини рисоладагидек бажараётган ота-оналар кўп. Шундай ота-оналарнинг узок йиллик беминнат хизматлари туфайли спортчи оилаларимиз дунё танипти, Ватанимиз шухратига шухрат қўшиляпти. Сулолар ҳам қўлаймоқда: олимпиалик Аъзамовлар, пахтабодлик Каримовлар, каттакўрғонлик Умаровлар, қашқадарёлик Ҳолмуминов ва Ражабовларни ким танимайди, дейсиз.

Самарқандлик Шаҳоб Ҳамроқовлар таъбир жоиз бўлса, юқоридаги сулоларнинг «соясига» қолиб келарди: Эндликда уни бутун дунё таниса ажаб эмас. Оилада халқаро мастер, миллий спорт устаси, 110 нафар шахматчи Швейцарча тартибда ва ўн бир турда ўзaro бахслашди. Иброҳим кўп ютди, оз ютқазди. Омад деганини ўзига қарашга, ён бошишга мажбур қилган жойлари ҳам бўлди. Ун бир партия-

маррага тенг етиб келганди. Коэффициентлар жадвали ишга солинганда омад ҳоржилик шахматчи-га қулиб боққанди...  
 Ха азизлар, мабодо йўлингиз тушиб, қаҳрамони-миз вақога етаётган хона-донга қадим ранжиди қил-гудек бўлсангиз, саранжом-саришалиқнинг шохиди бўласиз, деб ўйлай-миз. Хоналардан бирида магнитли шахмат тахтаси кўзга ташланади. Оила бошлигининг эътирофи эътишча, шахматга бўлган ил-лосу дона суришлар, этюд ва композициялар бораси-даги баҳслар, қизиқарли позициялар таҳлили ана шу шахмат тахтаси устида давом этар экан, бир сўз билан айтганда оила ўзининг шахмат дарсонасига эга.  
 Шарҳимиз қаҳрамони Иброҳим эса ана шу дарсонда «дарс» олиб жaxon чемпиони бўлди...  
 - Фарзандларимнинг ҳаммаси жозибали ва мад-

тункор ўйин қоидаларини жуда эрта ўрганишди, - деди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий Шаҳоб Ҳамроқов.  
 Баъзилар шахматга ёш-ликдан қизиқиш болани заиф қилиб қўйиши мумкин, деган фикрга бора-дилар. Менимча, бунинг акси бўлиши керак. Олти ёшдан мактабга боришди. Тўртгали ҳам Боғи-шамол туманидаги 8-ўрта мактабда ўқишди. Ўқитувчилар жамоаси номидан ўзлаштириш, давомат ва хулқ-атвор бо-расида бирон марта ҳам эътирозли фикрлар бўл-гани йўқ... Ха азизлар, шундай экан, Ҳамроқовлар сулоласи ҳадемай ўз гроссмейстерига эга бўл-са ажаб эмас.

Дониёр ЮСУПОВ.

### Божхона хабарлари

#### ТУШДАГИ БОЙЛИК

Ха, бой бўлишни ким ҳам истамайди?! Агар у ҳалол меҳнат ва покиза ният билан тўлганган бойлик бўлса қандини урсин, охи ҳалол бўлсин. Бироқ текариси бўлса-чи? Тожикистонлик Комил Мухаммадиев ва Россия фуқароси Сергей Лягинлар ҳам пешона тери тўкишга бўйин-лари ёр бермай қалтис йўлдан юришган ва шу орқали тезда бойиб кетишни мақсад қилиб қўйишган эди. Улар «операция»лари албатта муваффақият билан тугашига ишонган ҳолда 38 кг дан ортиқ оғир ва салкам 3,5 кг гердин гібевандлик моддасини «BA3 2121» русумли, дав-лат белгиси Л 73 - 25 ЛБ бўлган автомашина уриндиғида-ги ҳамда орқа юқонаси остидаги махсус жойга яшириб, Душанбадан Россия Федерацияси томон йўлга тушдилар. Буни қарангки, шу йилнинг 19 сентябр куни Тошкент вилояти 1-«Яллама» божхона пости ва тезкор гуруҳ ходим-лари анойи эмас эканлар. Шубҳа уйғотган «меҳмонлар» машинаси кинолог ит ёрдамида синчилади текширилганда улар сири ошкор бўлиб қолди. Ҳийласи ўтмаган «устомон-лар» энди бойликни тушда кўришадиган бўлишди.

Ушбу ҳолат юзасидан жинойий иш кўзга тутилди, материал-лар вилоят Миллий хавфсизлик хизматидаги юборилди.

### ТАҚИНЧОҚЛАР «ИШҚИБОЗИ»


Тақинчоқлар-агар улар мейвотида бўлса қайси хотин қиз-га ярашмайди, дейсиз. Мабодо кўфия йи билан мумай даромад ишлаб олиш мақсадида олиб чиқиб кетилаётган бўлса-чи? Тошкент вилоятига қарашли «Ишқибоз» мас-канида худди шундай воқеа руй берди. Қозоғистон фуқароси Ш.Ибрагимов бошқарувидида «Жендай» русумли дав-лат белгиси Х 883 СЛМ бўлган автомашина божхоначилар томонидан қурқдан ўтказилганда галати манзарога дуч келинди. Автомашинани юқонасига жойланган юқлар ораси-га қўзи қамаштирадиган жами 221 дона (нархи 987 минг сумлик ) турли тақинчоқлар яширилгани маълум бўлди. Улар ичида 10 жұфт аёллар зирағи, 78 дона узук, 14 дона браслет, 96 дона тилла тақинчоқлар бор эди. Хуллас, Ш.Ибрагимовнинг тақинчоқларга, ута ишқибозлиги уни но-қонуний йўлга кириб қолишига сабаб бўлган бўлса ажаб эмас. Нима бўлганда, кўзготирилган терков ҳаракатлари оқини-оққа, қорани-қорага ажратиб бериши аниқ.

### СИРЛИ САЁХАТЧИ

Эзгу ният билан саёхатга чиқишга шахарлар, унинг одам-лари билан танишиш, суботлар кўриш, ўрганиш-ўргатишга нима ётсин. Лекин, саёхатни бахона қилиб, бузук ният билан бошқа юрти кўзлаган кимсага қандай баҳо берган бўлардингиз? Агар у аёл киши бўлса-чи? Жорий йилнинг 8 сентябрда гумдонор сифатида ушланган кимса аёл ҳам Тожикистон фуқароси Майниса Қирғизова эди. Маълум-ки, бирон ноҳия иш қилиб қўйган кишининг ташиқ қўри-нишида албатта ўзгартириш белгилари пайдо бўлади. 4-«Тер-миз» темир йул божхона маскани ходимлари бундайлар билан «танишавериб» қўзлари пишиб кетган. «Душанбе-Москва» поездига чиқётган М.Қирғизованинг қарашлари-да ҳам улар нотабиийликни сезиб қолишди. Текшириш жараёнида «саёхатчи»нинг ички қийимига яширилган 500 грамм героин гібеванд моддаси топилди.

Энди у умрида саёхатни оруз қилмас керак...

Абдунаби МАННОПОВ.



Касби тумани қуллоларини нафақат туманда, балки Қашқадарё вилоя-тида билмаган киши бўлмас керак. Халқ амалий санъатининг бир бўлағи бўлган бу касбини эъзозлаган усто Бозор Итломасов ёшларидан қуллочилик билан шугулланиб келади. Дастурхонга қўйиладиган иссиқ нонлар ҳам усто қўлида жило топан тандирдада пишади.

- Қуллочилик отам раҳматли Итломас Очилловдан бизгача етиб келган ноёб касблардан, дейди у. - Фарзандларим Тўйчи, Қаҳрамон, укам Фаҳ-риддинлар менга яқиндан қўмақлашиб, ҳамқишлоқларим турмуш фаровон-лигини яхшилашга баҳоли қўдрат ҳисса қўшиб қоляпти.

Ш. СУЛТОНОВ олган сурат.

### Хусусий банк очилди

Қарши шаҳрида Қашқадарё вилоя-тида биринчи хусусий банк фаолият кўрсата бошлади. «Ўқтамбанк» деб ном-ланган бу очик акционерлик-тижорат банкига «Ишонч-Мирзохид», «Ўқтамбан-к», «Райхон» фирмалари ва жисмоний шахслар муассислик қилмоқда. Хусусий банкнинг устав фонди 22 миллион сўми ташкил этади.

А. ТАЙПАТОВ, ЎЗА мухбири.



### Қишлоқда янги гузар

Элликқалъа тумани «Бог ёп» фермер хўжа-ликлари уюшмаси мар-казида янги гузар ишга тушди. Тадбиркор Озод Шомуродовнинг ташаб-буси билан бунёд этил-ган гузарда «Халқ банки» бўлими, тикувчилик це-хи, суратхона, пойфазл устaxonаси, ошхона ва чойхона аҳолига хизмат кўрсата бошлади.

Уюшма тадбиркорлик-ни ривожлантиришга катта эътибор қаратмоқ-да. Овуларда маиший хизмат кўрсатиш, қайта ишлаш корxonалари фаолият кўрсатмоқда. Уларда 150 га яқин ки-ши доимий иш билан бан-д.

А.Искандаров, ЎЗА мухбири.

### Жаҳолат

Бу кўхна дунёнинг зам-замали ва гоҳ чархпала-ғи айланиб, ана баҳор келди. Увадаси чиққан қишининг ошачалоқ кўр-пасини улчатдан олиб ташлаган табиат ёқимли туш кўрган келинчақ ян-гли ширин бир керишди-да, кўзгуга боқиб шоша-пиша пардозга зўр бер-ди. Уйғониш фасли одам-ларнинг юз-кўзи, юриш-туришларига ҳам ошиғич тузайтиш кирита бошла-ди. Теварак-атроф ёша-риб, муйсафид чўққилар-дан айқириб тушаётган бебошвоқ жилгалар ра-қси томиларига кўчган сингари йигит-қизлар юрагини баҳорий жум-буш чулға олди.

- Ота, мени уйланти-риб қўйинг...

Кўз қорачиғи қирғоқла-рига тирмашган каби қизғиш чизиклардан ў-ғлининг ичиб олганини пайқаган Ўқтам ака ади-бади айтишиб ўтиргиси келмайми, ўзини эшит-маганга солди. Ойбек қў-поллик билан отасининг тирсағидан ушлади.

- Мен сизга айтганман, қачон уйлантириб қўясиз мени?!

Бу кўрсалик отанинг нафсониятига тегди.

- Битимга уйлантира-манми?-деди у жаҳл билан. - Бор-ўйги қоровул бўлсам. Тўйнинг ўзи бў-ладими? Икки-уч йил иш-лаб, пул тўплайлик, кей-ин айтсанг ярашади бу гапларни. Унча... чида.

- Чида эмиш. - Ойбек тишларини гижирлатиб, «чирт» этиб туфлади. - Мен тенгилар болалик бўлди. Ё ана ўзингиз уйланмоқчимисиз?!

- Не қилсинки, ўғлининг бу таънаси жўяли эди. Ойбек ҳарбий хизматда эканида... қўш хотинлик бўлиб олган, қундошлар-нинг гиди-бидисига ҳам, фарзандларининг совуқ муомаласига ҳам ўзи са-бабчи, бироқ буни ҳеч тан олгиси келмас, ким бу ҳақда оғиз очса, жони халқумига келгудек бў-либ, қуфур отида пойга чопарди. Ҳозир ҳам ўғли-дан каттик ранжиди, ҳаё-лига нималар келиб кет-мади, аранг ўзини бос-ди. Қолаверса, у бу таъ-нани биринчи марта

эштаётгани йўқ, тобора таранглашиб бораётган тор симлари бир кун изи-либ, кимнингдир юзида доғ қолдиришини ўзи-да яхши англар, аммо муро-сага келиш қоронғу уйда қора мушук излаган каби самарасиз эканлигиндан изтироб чекарди; демакки, натиҳасизлик ҳам аслида натижа, дея ўз-ўзига та-салли беришдан нарига ўта олмасди. Яна кимлиги-ни эсга солиб қўймоқчи бў-либ, панид-ўғитга ўтувди ҳамки, ўғли қўл силтади.

- Ўзингиз ким эдингизу насихатингиз нима бўлар-ди...

Орадан бир қанча вақт ўтиб, ёзининг жазирама-да пиллаб қўланса ҳид анқир, ўзи оёқда зўрға турарди. Ойбек ичкари уйга кириб, янги қийимларини қийиб, яна аллақайқа гойиб бўл-ди. Ярим кечаси Ўқтам ака биров теппасида тургандек туюлиб, ўғлини кетди. Ка-раса, ўғли Ойбек.

- Қани, юр бу ёққа, му-жжчасига гаплашамиз!

Ўқтам ака ўғли туради-ган уйга кирганда, у ўзига жой тўшаб ёнбошлаганча ниманингдир ҳаёлини су-риб ётарди. Хайрият, заб-тидан тушибди, деб ўйлаб насихат қилмоқчи бўлди.

- Ўғлим, бунақа юриш сенга ярашмайди. Ахир, кимсан...

Ота гапини тугатолмади.

### «Сўғдиёна» - диплом соҳиби

Миср Араб Республикаси пойтахти Қоҳирада еттинчи Халқ-қаро араб мусиқаси фестивали ўтказилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги қошидаги «Сўг-диёна» халқ чолғу асбоблари камер оркестри юксак ижро маҳорати учун анжуман дипломига сазовор бўлди.

Мухтор Ашрафий номдаги Тошкент консервато-рияси профессори Фарида Абдурахимова раҳбарлигидаги бу ижодий жамоа фестивалга пухта ҳозирлик қўрди. Фестивал низомига қўра концерт дастурини тайёрлашда ўзбек қўй ва қўшиқлари билан бир қаторда машҳур араб бастакорлари-нинг асарларига ҳам ўрин берилди.

Қоҳира опера театрида ўтказилган фестивал концерти дастури «Сўғдиёна» ижросида бастакор Фарҳод Олимовнинг «Шодиёна» асари билан бошлангани ўзбек мусиқа санъати юксаклигининг эътирофи бўлди. Айниқса, Ўзбекистон Рес-публикасида хизмат кўрсатган артистлар Меҳри Бежонов ва ижросидаги ўзбек мумтоз ашулалари, Сўғдиёна Исроилова-нинг дилрабо рақслари, Халқаро танлов совриндори Фодур Норбековнинг най наволари муҳлисларда катта таассурот қол-дирди.

Бахтиёр Мансуров, ЎЗА мухбири.

### ЎЗ ЎҒЛИНИНГ ҚОТИЛИ

Ўғил қулочкашлар уриб юборди. Уятдан, аламдан кўз ўнги қоронғулашган ота ҳам ўз-ўзидан тугилган муштани ишга солди.

- Менгаям қўл кўтарди-ган бўлиб қолдингми ҳа-ли...

Шайтон сувидан тўйгун-ча қониб ичган ўғил шарт-ча ўрнидан туриб муштга мушт билан жавоб қилди. Бунга ҳам қаноат қилмай қўш оёқлаб отасининг қў-рағига тепиб юборди. Шўрлик падар қутилмаган бу зарбадан ҳовлига чал-қанча йиқилиб хушидан кетди. Қачон ўзига келга-нини билмайди. Бироқ ву-жуди қасос ва интиқом ўти-да ловуллаб ёнаётганини ҳис қилди. Бехурмат қилин-ган, ҳамияти топталган ва шафқатсизликка учраган юрак бўзлаб-бўзлаб йиғла-моқда эди.

- Сендек фарзанднинг боридан йўғи... Йўқ, аввал мени урган, тепкилаган қўл-оёқларингни синдира-ман-да, касалхонага элтиб ташлайман. Шу ёшгача бок-дим, бундан кейин ҳам бо-қаман. Менга мажрўх бў-либ ётганинг афзал!

Ота ўз-ўзига гапира-га-пирга судралганча оғилхо-

### Хар тўғрида

«Паспорт» деган сўз биринчи мартаба 1414 йилда Англия парламентининг актида қўланган.  
 Ҳозирги кунгача сақланиб келган энг қадимий паспор-тга подшо Карл I имзо чеккан бўлиб, 1641 йилнинг 18 июнида инглиз ҳокимининг қўл остидаги ҳамма ишонч-ли кишиларга ана шу ҳужжат топширилган.  
 1772 йилга қадар инглизларнинг паспортлари лотин тилида, 1858 йилдан бошлаб эса француз тилида тўл-дирилган. Шуниси қизиқки, бугунги кунда инглизлар орасида фақат давлат қиролчилисининга паспорт йўқ. У ҳатто чет элга ҳам шу ҳужжатсиз бораверади.

НЕГА «КУПРУМ»?

Нима учун мисни кимёгарлар «купрум» деб атайдил-лар? Қадимги юнон афсоналарида ҳикоя қилинишича, маъбудалардан бири Афродита зангори денгизда чўми-либ, ойнага қарайди. Ойна қизил рангли металлдан ясалган бўлиб, бу металл Кипр оролларида кўп эди.

Қадимги греклар бу металлнинг топилган жойини Кипр (Киприон) номи билан атай бошлайдилар. Кейин-чалик римликлар бу оролни «Купрум»га айлантирадил-лар.

ШИША ДЕГАНИ НИМА?

Шиша табиатда маълум бўлган қўп материаллардан ўзининг кимёвий таркиби, алоҳида хоссалари ва тузи-лиши билан ажралиб туради. Шишанинг тузилиши тўғ-рисида олимлар ўртасида жуда кўп фаразлар бўлиб, улар орасида ҳақиқатга яқини иккитадир.

Булардан бири бўйича ҳар қандай силикат шиша ту-зилмасининг асоси бир атом кремний ва тўрт атом кис-лороддан ташкил топган мажмуа тетраэдрлардан ибор-ат. Худди шу кремний кислород тетраэдрларининг ўза-ро бириктишдан ҳосил бўлган узлуқсиз сеткадаги ҳал-қаларнинг тартибсиз жойланиши сабабли шишани амор-ф жисм дейиш мумкин.

Иккинчи фаразга қўра, тартибсиз сеткалардан ташқа-ри, маълум шакл ва тартиб билан жойлашган жуда май-да участкалар бўлиши аниқландики, шунга қўра, шиша-га кристалл жисм деб ҳам қараш мумкин.

Шишанинг бошқа материаллардан асосий фарқи унинг тузилишида. Бу жиҳатдан олганда, шишанинг ўрнини юз фоиз босадиган ҳеч қандай материал йўқ. Шишани-н айрим турлари борки тушаётган нурнинг 99 фоизи-дан ортиқроғини ўзидан ўтказида.

А.АЛИЕВ тайёрлади.

<p>Бош муҳаррир: Мирғиёс ҚАЮМОВ</p>	<p>Бош муҳаррир: Мирғиёс ҚАЮМОВ</p>	<p>Бош муҳаррир қабулхонаси 56-25-36        Бош муҳаррир уринбосари 56-52-89        Матбуат қотиби 56-52-78        БУЛИМЛАР</p> <p>Қасаба уюшмалари ва истеъмолат 56-82-79.        Ахборот ва спорт 56-87-63. Маълумот ва маданият 56-82-79. Хатлар, оммавий ишлар ва муҳбирлар билан ишлаш 56-85-43. Тижорат ва ҳуқуқ 56-85-66.</p> <p>ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:        Жиззахда - 3-83-01, Наманганда - 6-22-10,        Самарқандда - 35-64-24, Фарғонада - 24-58-43,        Ўртада - 6-03-40, Қаршида - 5-33-71.</p>	<p>«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмасхонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.</p> <p>Босишга топшириш вақти — 21.00        Топшириқди 23.30</p>
-------------------------------------	-------------------------------------	--	--